

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ

*Соҳиба Пулатова, Юлдузхон Садуллаева, Ислом Самадов
Тошкент давлат иқтисодиёт университети СБИ- 84 гурӯҳ талабалари*

Аннотация: мазкур мақолада корпоратив буюртмачи сифатида уставида давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган тижорат банклари давлат харидлари соҳасидаги фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш заририяти ва амалиёти ёритилган.

Калит сўзлар: тижорат банкларининг давлат харидлари соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсадлари, давлат харидларини назорат қилувчи органлар, давлат харидлари соҳасидаги назорат қилувчи органлар, шикоятларни кўриб чиқиши бўйича комиссия.

Маълумки, корпоратив буюртмачи сифатида уставида давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган тижорат банклари давлат харидлари тизимида қатнашиш(иштирок этиш) шарт ҳисобланади. Яъни улар ўзлари учун керак бўлган товар(иш,хизмат)ларни давлат харидлари талабарини бажарган ҳолда харид қилишлари лозим бўлади. Улар харидлар соҳасидаги фаолиятлари давлат томонидан назорат қилигнади. “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунда уставида давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган тижорат банклари давлат харидлари соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсадлари келтирилган.

Тижорат банкларининг давлат харидлари соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсадлари:

- давлатнинг стратегик мақсадлари ва вазифаларига эришиш;
- давлат буюртмачиларининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурини ва бошқа давлат дастурларини бажариш;
- давлатнинг ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш бўйича функцияларини бажариш;
- давлат хизматларини кўрсатиш учун давлат харидлари субъектларига қулай муҳитни шакллантиришдан, шунингдек давлат харидларини амалга оширишда коррупцияга ва қонунчиликнинг бошқача тарзда бузилишларига қарши курашишдан иборат.

Тижорат банкларининг давлат харидлари соҳасини амалга оширишда ижтимоий-иктисодий сиёсат устуворликлари, шу жумладан юқори технологик ва инновацион ишлаб чиқаришларнинг яратилиши, қулай экологик вазиятнинг сақланиши ҳисобга олинади.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларида чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига кўра ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга таклифларни баҳолашда фойдаланиладиган имтиёзлар ва преференциялар берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди чет давлатлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкин. Бундай давлат харидини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тижорат банкларининг давлат харидлари соҳасида давлат сиёсати шаклланиши ва амалга оширилишини таъминлайди. Давлат харидлари соҳасида бюджет тизими бюджетлари маблағларидан оқилона фойдаланиш, харид қилиш тартиб-таомиллари турларини такомиллаштириш ва уларнинг қўлланилишини кенгайтириш, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш юзасидан чоралар кўради. Давлат буюртмачиларининг давлат харидлари соҳасидаги фаолияти устидан назорат бўйича ишларни мувофиқлаштиради. Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш ва таққослаш усулларини ҳамда мезонларини, шунингдек улар ўтказилишини ташкил этиш тартибини белгилайди. Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари томонидан энг яхши таклифларни танлаб олиш ва тендерда иштирок этиш учун электрон шаклда таклифлар бериш тартибини белгилайди.

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия таркибини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги тижорат банкларининг давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органдир. У тижорат банкларининг давлат харидлари соҳасида давлат томонидан тартибга солишни ва давлат сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги тижорат банкларининг давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тизимини, шу жумладан, электрон тизимни ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқаришнинг самарадорлиги ва очиқлигини ошириш бўйича

чоралар кўради. Давлат харидлари электрон тизими операторларини ҳамда уларнинг давлат харидларини ташкил этиш ва амалга оширишга тааллукли фаолияти тартибини, шунингдек маҳсус ахборот портали фаолияти тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги тижорат банкларининг давлат харидларининг электрон тизимиға нисбатан талабларни белгилайди; иқтисодий жиҳатдан энг фойдали таклифни баҳолаш усулини қўллаш тартибини (баҳолашнинг нархга асосланмаган мезонларини) ишлаб чиқади; давлат харидлари бўйича ахборотни жойлаштириш, ошкор қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини ҳамда ҳажмларини, шунингдек товарга (ишга, хизматга) ҳамда давлат харидларини амалга ошириш усулига қараб эълон қилишга доир қўшимча талабларни белгилайди. Харид қилиш тартибтаомилларини ўтказиш тўғрисидаги эълонларнинг, харид қилиш хужжатларининг намунавий шаклларини ва Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрини шакллантириш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлади.

Шунингдек, тижорат банкларининг шартномаларнинг ягона реестрини юритиш тартибини белгилайди; давлат харидлари соҳасидаги норматив-ҳукуқий хужжатларнинг бажарилиши устидан мониторинг ва назоратни таъминлайди; давлат харидлари субъектларидан ахборотларни сўраб олади, жамлайди, уларни таҳлил қиласди ва ҳисботларни шакллантиради; давлат харидлари соҳасида харид қилиш ва коррупцияга қарши курашиш стандартлари бўйича сертификатлаштириш тизимини жорий этишга доир таклифларни ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ваҳобов А, Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. Тошкент, "Iqtisod-moliya. 2008.
2. TS Malikov, O Olimjonov. Moliya - О 'quv qo 'llanma. T.: "Iqtisod-moliya, 2012
3. Ваҳобов АВ, Маликов ТС. Молия. Дарслик/Тошкент Молия институти. Тошкент: "Шарқ. 2010;804.
4. Malikov T, Haydarov N. Budjet daromadlari va xarajatlari. О 'quv qo 'llanma, Toshkent: "IQTISOD-MOLIYA. 2007.
5. Malikov T, Byudjet HN. О 'quv qo 'llanma. Toshkent: "Iqtisod-moliya. 2008;84.
6. У Уроков, Ф Сулаймонов. Значение электронного обмена информацией в деятельности хозяйствующих субъектов и вопросы его совершенствования. Экономика и инновационные технологии, 2014
7. Urokov UY. QR Chinkulov Legal basis of improvement of public procurement in Uzbekistan.". International Finance and Accounting" magazine. 2017(8).

8. У Ўроқов, УШ Ўғли. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби.- Science and Education, 2023
9. U Urokov. THE IMPORTANCE OF PROCUREMENT MODELS IN THE EFFECTIVE ORGANIZATION OF PUBLIC PROCUREMENT.- IMRAS, 2023
- 10.Uchkun Urov. PECULIARITIES OF IMPLEMENTATION OF PUBLIC PROCUREMENT IN UZBEKISTAN THROUGH THE AGREEMENT PROCEDURE.JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT. 2023
- 11.N Tashmatova, U O'roqov. XALQARO TASHKILOTLAR VA DAVLAT XARIDLARINI TARTIBGA SOLISH: OSHKORALIK VA SAMARADORLIKKA YO 'LI.- Talqin va tadqiqotlar, 2023
- 12.Zarnigorxon Fazliddin qizi Nuritdinova, Uchqun Yunusovich O'roqov. DAVLAT XARIDLARINI AMALGA OSHIRISHDA JANUBIY KOREYA TAJRIBASI VA YASHIL DAVLAT XARIDLARINING TUTGAN O 'RNI. - SCHOLAR, 2023
- 13.Уроков УЮ. Чинкулов^ Р. Узбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг хукукий асослари.«Халқаро молия ва хисоб» журнали. 2017.
- 14.Urov UY, Shodmonov E, Bobobekova D. Government procurement management. T.-2022.
- 15.Urov UY. Issues of improving the public procurement system in Uzbekistan. TMI, December. 2014;13.
- 16.Urov UY. Issues of increasing the volume of electronic purchases in the state procurement system. TMI, May. 2021;20.
- 17.Urov UY. Public procurement system: yesterday and today.". Market, money and credit" magazine. 2018(8).
- 18.Ўроқов У. Улугбек Шарипжон Ўғли. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби. Science and Education. 2023.
- 19.O'roqov UY. Davlat xaridi. O'quv qo'llanma. T.:«Nihol print» OK. 2022.
- 20.Ўроқов У. Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш масалалари. 2014
- 21.Ўроқов У. Давлат харидлари тизимида электрон харидлар ҳажмини ошириш масалалари.“. InЗамонавий молиянинг миллий ва халқаро долзарб масалалари”. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. ТМИ 2021.
- 22.Уроков УЮ, Чинкулов КР. Узбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг хукукий асослари.«. Халқаро молия ва хисоб» журнали. 2017.
- 23.Хайдаров Н. Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини

такомиллаштириш масалалари. Иктисад фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 2003.

24. Т Маликов, Н Хайдаров. Давлат бюджети. - Т.:“IQTISOD-MOLIYA, 2007

25. N Khaydarov. International experience of the development of tourism in Uzbekistan. - Интеграция. Эволюция. Устойчивость: пути ..., 2021

